

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги Фаргона
давлат университети

ижтимоий-маданий фаолият йўналиши учун
“Миллий урф-одатлар ментаполитет негизи” бўйича маҳсус
курснинг

Маърузалар матни.

Маъруза матни ижтимоий-маданий фаолият кафедрасининг 2001
йил 25 октябрдаги йигилишида кўрилди ва маъқулланди.(
Баённома№2)

кафедра мудири доцент И.Қирғизов.

Фаргона-2002

Тузувчи: Ўзбекистон халқ артисти профессор С.Манопов.
такризчилар: фалсафа фанлари номзоди доцент З.Исмоилова.
катта ўқитувчи М.Солиев

фан II- курс II-семестрда ўқитилади
умумий соат-33
маъруза-14
Амалий-10
Мустақил таълим-5
рейтинг-4

“Миллий урф-одатлар менталитет негизи” бўйича маҳсус курснинг
ўқув дастури мавзулари

- 1 мавзу: Урф-одатлар тарихига назар
- 2-мавзу: Болалик даври урф-одатлари
- 3- мавзу: Ўсмилик-Баркамоллик даври урф-
одатлари
- 4-мавзу: Миллий урф-одатлар замирида
инсонийлик фазилатлари
- 5-мавзу: Тўй, байрам, маросимлар
- 6-мавзу: Урф-одатлар ва умргузаронлик
- 7-мавзу: Эътиқод ва охират.

1-мавзу.

Урф-одатлар тарихига назар(2c)

Режа:

- 1. Урф-одатларнинг тарихий моҳияти.
- 2. Жамият тараққиётида урф-одатларнинг ўрни.
- 3. Урф-одатларнинг таркиб топишидаги омиллар.
- 4. Урф-одатлар тарихий тараққиёт маҳсули.

Мавзу бўйича саволар:

- 1. Урф-одатлар тарихий моҳиятини қандай тушунасиз?
- 2. Атрофда яшовчи миллатларнинг таъсири қандай бўлади?
- 3. Урф-одатлар билан ахлоқ-одоб ўртасидаги муносабатга қандай
қарайсиз?

- 4. Урф-одатларни таркиб топишидаги омиллар нима?
- 5. Тўй деганда нимани тушунасиз?
- 6. Урф-одатларнинг ўзгармаслигига сабаб нима?
- 7. Халқимиздаги хусусиятларни айтиб беринг.
- 8. Холоса.

Фойдаланилган адабиётлар:

Махмуд Саттор “Ўзбек удумлари” “Фан” нашриёти - 1993йил
Х.Исмоилов “Ўзбек тўйлари” “Ўзбекистон” - 1992 йил.

Урф-одатларнинг тарихий моҳияти.

Хар бир тараққий этган, маданиятли халқнинг ўз тили, урф-
одати, адабиёти, асари атиқалари, анъанавий моддий ва маънавий
бойликлари бўлади. Ўзбек халқи хам дунёдаги энг қадимий
маданиятга эга бўлган халқлардан бири сиафтида ўзининг маънавий
ва моддий хазинасига эга. Ўтмиш авлодларимиздан бизга қадимий
урф-одатлар, тантаналар, халқона мерос бўлиб авлоддан-авлодга
ўтиб келган. бу билан биз хақли равишда фахрлансан арзиди.
Бунинг учун ўша қадимий маданиятни, урф-одатни билишимиз,
сақлашимиз ва кейинги авлодларга хам етказиш муқаддас инсоний
бурчимиздир, шни унутмаслик керакки, минг-минг йиллар
давомида шаклланган урф-одат, маросим, адабиёт, санъат муаллақ
холда, ўзга халқлардан бекитикча пайдо бўлиб ривожланмаган.
Аксинча, биз билан қадимдан ёнма-ён жон қўшни сифатида ўаёт
кечириб келаётган қардош қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва
озарбайджон ъалқларнинг бевосита иштироки хамроълигига
яратилган тараққий топган. Хатто жаъоннинг кўплаб бошқа
халқлари вакилларининг ъам бу қадимий маданиятнинг
шаклланишида муайян хассилари бор. Хар бир халқ ана шу
удумлар, урф-одат, ўтмишга чуқур томир отиб кетган ўқ илдизлари
билан жаъон маданиятида ўзига хос ўрин тутади.

Жамият тараққиётида урф-одатларнинг ўрни.

Инсоният жамияти тараққиётида урф-одатлар билан ахлоқ-
одоб ўртасидаги муносабат муҳим ахамият касб этади. Инсоннинг
кудалик хаётида анъаналар ва урф-одатлар, жумладан тўй, аза ва
суннат тўйи билан бўладиган тантаналар катта ўрин эгаллайди.

Шунинг учун ъар бир киши ана шу урф-одатлар тараққиётга нечоғлиқ зарурлигини билиб олиши, шу урф-одатлар замонавий давр талаблариға қанчалик мослигини ўқиб олиш ва урф-одатлар бошқа халқлар удумларидан нечоғлиқ фарқ қилишини, эски удумларни яшаб келиши сабабларини илғаб олиш муҳимдир.

Урф-одатларнинг таркиб топишидаги омиллар.

Тарихан таркиб топган миллий анъана, урф-одат, расм-рсм, таомил, маросимларнинг вужудга келиши ва ривожланишига бир қатор омиллар бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. шундай омиллардан бири турмуш тарзидир. У ёки бу халқнинг азалий анъанасига айланиб қолган ъар бир маросим миллийлик қобигидан чиқиб, умуминсоний қадриятга айланади; тили, дини, турмуш тарзи бир-бирига яқин бўлган кўшни халқларни бирлаштиради.

Барча халқларнинг урф-одатлари, анъана ва маросимлари муайян тарихий даврнинг маҳсули бўлиб, у турмуш шароитининг таъсири натижасида пайдо бўлган; вақт ўтган сари улар тобора мустахкамланиб аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келган. Халқнинг “тўй” атамаси билан юритиладиган барча анъаналари, урф-одат ва удумлари шаъар ва қишлоқ ахолисининг кундалик турмушига сингиб кетган бўлиб, халқнинг эзгу истаклари хамда интилишларини ўзида акс эттиради.

Урф-одатлар тарихий тараққиёт маҳсули.

ўзбекларнинг анъана ва маросимларига жумладан барча маънавиятимиз шахобчалари онгнинг бошқа шаклларига қараганда бироз консерватив кўринишга эга бўлиб, унинг барча турдаги йўсинлари муқаддас саналган, шу боис уларнинг кишилар томонидан ўзгартирилиши асрлар оша аждодлардан асосан ўзгармасдан ўтиб келган. Шу жихатдан хам алоҳида таъкидламоқ жоизки, урф-одат, анъана, маросим ва удумлар узоқ вақт давом этган тарихий тараққиётнинг маҳсулидир. Шунинг учун ҳар бир халқнинг турмушида унинг ўзига хос белги ва хусусиятлари мавжуддир. Лекин бу нарсалар узоқ давр мобайнида вужудга келади, давр ўтган сари уларнинг айримлари турмуш амалиётидан

тушиб қолади, уларнинг ўрнига янгилари пайдо бўлади. Кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилиши билан уларнинг сафи ва сифати ўсиб ўзгариб боради.

2- мавзу.

“Болалик даври урф-одатлари” (2соат)

Режа:

1. Таваллуд, Бешик, Алла удумлари.
2. Ислам шариф қўйиш одатлари.
3. Бешик кетди, қулоқ тишилар удумлари.
4. Ўйинлар ва бойчечак айтиш одати.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Таваллуд билан боғлиқ удумлар нимадан иборат?
2. Бешик ва аллани моҳиятини тушунтириб беринг?
3. Ислам қўйишнинг ахамиятини сўзлаб беринг?
4. “Қулоқ тишилар”, “бешик кетди” одатларнинг моҳияти нима?
5. Ўйинларнинг моъноси ва номларини айтиб беринг?
6. “Бойчечак” атиш удуми қайси фаслда бажарилади?
7. Болалик даври урф-одатларини ахамиятини айтиб беринг?

Адабиётлар:

М.Саттор “Ўзбек удумлари” “Фан”1993
Х.Исмоилов “Ўзбек тўйлари” “Ўзбекистон”- 1992

Таваллуд, Бешик, Алла удумлари.

Таваллуд топган боланинг қулоғига ота-боболаримиз аввал мулла чақириб аzon айтирганлар. Аzon айтилганда боланинг қулоғи очилган. исми илк бор чақалоқнинг ўз қулоғига сингдирилган. Сўнг уларнинг чилласи-кичик чилла ва катта чилла ўтказилади. қирқ кунлик катта чилласи чиққандан сўнг бешикка белаш маросими ўтказилади. Таваллуд топган бош фарзанд бўлса, бозордан бешик сотиб олинади. Бешик аждодларимиз кашфиётлари орасида алоҳида ўрин тутади. Бешик ясаш алоҳида санъат даражасига кўтарилиган. Бола бор жойда алла айтилиши табиий. Оналар қадимдан ўз болалари тепасида кеча-кундуз алла айтиб келишган. Алла инсонда,

онг қатламларида бир умр мунгли, хазин, нурли қўшиқ бўлиб сақланиб қолади.

Ислам шарифлар қўйиш одатлари.

Қадимги ота боболаримиз бошқа одайлар қатори исм қўйиш одатини хам тарк этмаганлар. Ота-оналарнинг хизмати ўз фарзандларига муносаб номни топиб қўйишдан иборатdir. Удумга кўра авваллари исм туғилган болани қайси уруғдан, қандай сулоланинг неchanчи авлоди эканлиги, унинг таваллуд топган вақти, жойи, бола танасидаги алоҳида белгиларга қараб китоб кўриб қўйилган қишлоқ ёки маҳалланинг кекса, ўқимишли, кишилари исм қўйиш хуқуқига эга бўлганлар. Аввало исмлар худо, пайғамбарлар номлари асосида Расул, Ақбар, Наби, Мухаммад, сингари аталган. Аждодларимиз исмларидан ташқари тахаллус хам танлашган. тахаллусда кўпроқ туғилган жойлари акс этган. Замон зайлар билан исмлар хам ўзгариб туради. масалан сўнгти йилларда Алишер, Бобур, Улугбек, Ойбек сингари номлар кенг тарқалди. Қизлар орасида эса Наргиза, Нодира, Гулчеъра, Мафтұна исмларини учратиш мумкин. Эгизаклар албатта Хасан-Хусан, Фотима-Зуъра деб аталиши шарт. Эр хотин бир-бирини исмини айтиб чақиришмайди. Зарур бўлганда бирор фарзандини исмини айтиб чақиришади. Тўғри исм олган ўғил-қиз, ота-онанинг, авлоднинг давомчилари бўлиб хизмат қилишликни талааб қилинади.

Бешик кетди, қулоқтишилар удумлари.

Бешик кетди, қулоқтишилар одатлари сўнги пайтларда негадир таъқиб остига олиниб, йўқ қилиб келинди. бу удумлар Сурхандарё вилоятида сақланиб қолган. “Бешиккетди” одати хақида. Оиласда қиз бола туғилса бешикка белаш тўйи ўтказилди. Шунда ўғиллик биродарлардан бири ният қилиб, етаклаб борган 5-6 яшар ўғилласига чақалоқ қизалоқни сўрашади. Агар оиласининг бобоси, бувиси, ота-онаси рози бўлса “қулоқ тишилар” одати ўтказилган. Улғаяётган қиз ўз нихол умри давомида “қулоғини тишиланган” йигитга, йигит эса бўлажак келинчакка ғойибона меҳр, интиқлик, хурмат билан вояга етишган. Икки томон ота-она хам

шунга муносиб харакат қилишиб тузилажак оилани тадоригини анча узоқдан кўриб боришган. Бешик, сандал, Худойи, Суннат, Наврўз одат маросимлари сингари “Бешиккетди”, “Қулоқтишлар” удумлари хам оёқсти қилинди. Натижада бу одат бутунлай истеъмолдан чиқиб кетди.

Ўйинлар ва бойчечак айтиш одати.

Қадимда ўйинларнинг турлари кўп бўлган. От ўйин, дўппи ўйин, хаммомпиш, тош ўйин, чиллак ўйин, ёнғоқ ўйин, курматаёқ, варрак ўйин ва хоказо. Болалар ўйинлари қайси шакл, мавзу, йўналишга эга бўлмасин, лой тупроқ биланми, ёғочу чўп биланми, ипу аркон биланми, бариси болани хаётга, турмушга, рўзгор ишларига тайёрлашда ўзига хос хунар мактаби вазифасини ўтаган, “Читтигул”, “Оқ теракми-кўж терак” каби қўшиқ ўйинлар турли кўринишларда бизгача етиб келган.

Қадимда болалар бинафша байрам қилишган.

“Бойчечак” қўшиғи қуидагича айтилган:

Қаттиқ ердан қаталаб чиқсан бойчечак
Юмшоқ ердан югуриб чиқсан бойчечак
Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айрондир
Айронингдан бермасанг
Қозон-товоғинг вайронди. ва хоказо.

Мавзу-3.

Ўсмирлик-баркамоллик даври урф-одатлари(2 соат)

Режа:

1. Чиллак ўйини ва мохияти.
2. Лапар ва дандарак ўйинлари.
3. Чавган ва кўпкари ўйинлари.
4. Кураштириш ва хашар.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Чиллак шийинини шарълаб беринг?
2. Чиллак ўйиннинг ахамияти қандай?
3. Лапар ўйинини тушунтириб беринг?
4. Дандарак ўйинини тузилиши ва мохияти қандай?
5. Чавган ўйинини тарихини биласизми?
6. Кўпкари ўйинлари қандай ўйналади?
7. Кураш тушиш усулларини биласизми?
8. Нега хашар удуми ривожланган?

Адабиётлар:

М.Саттор “Ўзбек удумлари” Фан-1993й

Х.Исмоилов “Ўзбек тўйлари” Ўзбекистон-1992й

М.Орифжонов “Урф-одатларим қанотларимми ёки кишанларим?”
Фан-1991й.

Чиллак ўйини ва мохияти.

Бу ўйин болаларнинг севимли ўйинидир. бу ўйинни икки киши бўлиб ъам, ёки гурух-гурух бўлиб ўйнаш мумкин. Бунга учи йшнилган чиллак уни учириси учун даста бўлса кифоя. Ўйин бошловчи томон жўрабошиси чиллакни маҳсус кавланган чуқурча устига қўйиб, даста билан илиб, хавога кўтариб, сўнг зарб билан уни дастадан уриб, иложи борича узоққа учиради. Майдоннинг нариги томонида тўнини тескари кийиб, этагини қулочида ёзиб турган рақиб гурухи урилган чиллакни тутиб олишга харакат қиласади ва учирилган жойига чукрчага улоқтиради. Ўлчангандা бир даста етгулик жойга етказилган бўлса рақиб гурух чиллак отиш

навбатини қўлга киритади. бцу ўйинини турли вилоят, шаъар-қишлоқларда турли кшриниши бор. Чиллак ўйинининг маънави, жисмоний аҳамияти каттадир. Аждодларимиз бу ўйинни қадимдан севиб ардоқлашган. Чиллак ўйнашган болалар жисмоний бақувватлашган. Зувиллаши билан унинг нафас йўллари, кўкрак қафаси аъзолари, овози яхши риводжланган. шу билан бирга саноқ, хисоб-китоб, ўлчов боланинг хаётий билимларини оширган.

Лапар ва дандарак ўйинлари

Лапар ўйинида текис, юпқа тошча танланиб, нишон қилиб тикилган иккинчи ана шундай тош томон ўн қадам узокликдан улоқтирилади. Улоқтиришда нишон тошни уриб йиқитиш кўзда тутилади. Теккиз олмаса ўйин навбати рақиб болага берилади. Шу тариқа қайси бола 100 соқани олдин тўпласа ўша ютган хисобланади. Лапар болани ақлий жихатдан хисоб-китобга ўргатади, чама, режа, тўғри мўлжал олиш қобилиятини оширади. Кўз, кулоқ эштиш, кўриш сезгиларини ўткирлаштиради. Дандарак ёғоч ўйини бўлиб, икки ўйналувчи буюмдан иборат. Унинг биринчиси-дандарак, иккинчиси қамчи. Қалинлиги билакдай келадиган кетмондастадан тўрт-беш энлик қисми аралаб олинади. Унинг бир учи йўниб, қозиксифат қилинади, текис ерда айлантириб юборилади. Айланаётган дандаракни қамчи билан уриб харакатлантирилади. Узок харакатлантирилган томон ютган хисобланади, кимни дандараги йиқилиб, харакатдан тўхтаса ўша ютказган хисобланади.

Чавгон ва кўпкари ўйинлари

Чавгон шарқ халқлари орасида жуда қадимий ўйинларидан бўлиб, қоидалари ва кўриниши жихатидан кўпкари ва хоккей ўйинларига ўхшаш блган, от устида туриб ўйнаганлар-чавгончилар ўртасида чавгон тўпи талаш бўлган. Хар икки томондан 5-6 ўйинчи иштирок этиб, рақиб дарвозасига ким қанча тўп киритса, ўйин охирида ўша томон ғолиб хисобланган.

Кўпкари улоқ- ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик халқларига бирдай қадрдон. Кўпкари бу чавандозлик бахси.

Мусобақа шарти ўртага ташланган улоқ танасини тақимга босиб майдонни айлантирганча белгиланган манзилга ташланса савринлар билан мукофатланади. Кўпкари тинчлик, хотиржамлик ўйини бўлиб, халқ суянган хақиқий эр-йигитларни етиштиришда катта рол ўйнаган. Кўпкарида минилган отнинг аҳамияти катта.

Кураш тушиш ва ҳашар.

Жуда қадимий ўйин-одатларимиздан бири курашдир. кураш қадимий ва эркин кураш турларига бўлинади. Юртимизда кураш икки усулда Бухороча ва Фарғонача усулда тушилади. Бу икки тоифа кураш бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Фарғонача курашда полвонлар тўн кийиб, белбоғ боғлаб бир-бирларини белларини баравар ушланганча майдонга тушадилар ва даст кўтариб сўнг йиқитадилар. Бухороча кураш эса эркин кураш бўлиб, чалишга ва қайришга, елқадан оширишга руҳсат берилади. Рақибини курагини бир зумга теккизиб турган полвон ғолиб саналади. Ҳашар-шарқ халқларининг орасида кенг тарқалган удумлардан бўлиб, ўзбек халқи хаётида мухим ўрин тутиб келган. Ҳашар бу кўпчиликнинг бир ёқадан бош чиқариб, бир мақсадда харакат қилишдир. Деворuriш, ариқ қазиши, хосилни йиғиб олиш, ток ва анор дараҳтларини қишида кўмиш ҳашар йўли билан бажарилган. Ҳашар усули хозир хам халқимизнинг энг яхши удумларидан бўлиб қолмоқда. Бу удумнинг маънавий ва моддий аҳамияти жуда каттадир.

Мавзу-4.

Миллий урф-одатлар замирида инсонийлик фазилатлари.(2 соат)

Режа:

1. Салом ва алик одоби ва одатлари.
2. Даастурхон. Таом. Фотиња.
3. Меъмондорчилик одоби ва таомиллари.
4. Каттага ъурмат, кичикка шавқат.

Мавзу бўйича саволлар:

1. “Ассалому-алайкум” ҳакида тушунчангиз?
2. Кўришиш қоидаларини санаб беринг?
3. Таом ейиш қоидаларини биласизми?
4. Фотиња дусосини айтиб беринг?
5. Меъмондорчилик қоидаларини биласизми?
6. Ота-боболаримиз қандай меъмон кутишган?
7. Каттага ъурмат, кичикка шавқат деганда нимани тушунасиз.
8. Аёл зотига муносабат қандай бўлган?

Фойдаланилган адабиётлар:

М.Саттор “Ўзбек удумлари” “Фан”-1993 й.

А. Бобомурод “Ислом одоби ва маданияти “Чўлпон”-1995й.

Салом ва алик одоб ва одатлари.

Саломлашиш-қадими одат. Хар бир халқнинг саломлашиш билан боғлиқ бўлган ўз урф-одатлари бор. Биз ўзбеклар барча ислом дунёси халқлари сингари бир-биримизни кўрганимизда “ассалому-алайкум” ибораси билан кўришамиз. Бу сўз “сизга тинчлик тилайман” деган маънени билдиради. “Ваалайкум -ассалом” эса сизга хам тинчлик тилайман2 жавоб саломи саналади. Саломлашиш одамнинг ёши ва бирон маросим билан ъам боғлиқ. Кекса одамлар бир-бири билан икки қўллаб кўришишади. Узоқ вақт кўришмаган қадонлар кучоқлашиб, баъзан ўпишиб кўришиш билан амалга оширадилар. Ўзбек халқининг ўзига хос табиатини, лутфкорлигини, урф-одатларини хаммамизга жондай азиз “Салом” сўзисиз тасаввур қилолмайсиз. Шунинг учун хам доно халқимиз “Аввал салом, баъдаз калом” деб бежиз айтмаган. Салом одобнинг боши, одатнинг

дебочаси, қолаверса, одамнинг кимлигини унинг саломи белгилайди.

Даастурхон. Таом. Фотиха.

Даастурхон одоби, таом емак қоидалари халқимизда азалдан мавжуд. Даастурхонлар жойи, одами, маъракаси, хонасига қараб катта-кичик, ранг-баранг бўлиши мумкин. Даастурхон таоми билан улуғ. Даастурхон одоби қадими бўлиб даастурхонга аввал кексалар қўл узатадилар. Оилада даастурхонга, таомга қарашни ота бошлаб беради. Даастурхонга, таомга танаввулга киришишдан олдин албатта, “Бисмиллохир раҳмонир раҳим” дейиш шарт. Овқат ейиш одоби хам расамади бўлиб, такаллуф кўрсатиб, тўқмай сочмай, яхши чайнаб, хазм қилинади. Таом истеъмол килиб бўлингач, оилабоши албатта фотињага қўл очади, фотиња намунаси : Бисмиллохир раҳмонир раҳим.

Ширин обод, манзил обод, Пайғамбар худога саловат., қўп бергин, қўл берган, кенг феъл, кетмас давлат бергин. Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтоҷ қилмагин, ўт балоси, сув балоси, ноҳақ тухматдан ўзинг асрарин. Экканни, тикканни, еганни ичганни савобини даргохингда қабул қилгин омин, аллоху акбар!

Мехмондорчилик одоби ва таомиллари.

Ўзбек халқи меҳмондорчилик одатин жуда қадим замонлардан ихтиёр қилган. Бу одат одамийлик, саховат, маданий ва маънавий алоқалар мезони сифатида қадрланган. Халқимиз “мехмон отангдан улуғ” деган мақолга доимо амал қилган. Ота-боболаримиз меҳмондорчиликда ўзни тутиш, қандай қоидаларга риоя қилиш ҳакида махсус рисолалар ёзганлар. Меҳмон шарафига, унинг қутлуғ пойқадамига атаб жонлик сўйилган, тўкин даастурхон безатилган. Ташқи ховлига алоҳида меҳмонхоналар қуришган. Меҳмонхона махсус жихозланган бўлиб, унда меҳмонлар учун барча шароитлар тахт қилиб қўйилган. Меҳмондорчилик анжуманида яқин-атрофнинг уламою фузалолари, баҳшию шоирлари, хофизлари таклиф қилинган. Ўзбек даастурхонида меҳмондорчилик энг обрўли милий таом- палов билан якунланади.

Ана шундан кейин дастурхон хаққига фотиға ўқилиб, иззатли меҳмондан кўнгил хушлик сўралади. Сўнгра саруполар билан сийланади.

Каттага хурмат, кичикка шавқат

Халқимизнинг инсоний туйгулар билан боғлиқ яхшиликка ундовчи удумларимиздан бири каттага ўурмат кичикка шавқатдир. бу ақида хеч қачон четда қолмаган.

Донишманд боболаримиз, кекса, кишиларга, ота-онага, ака-уқага, опа-сингил, қариндош-уруғларга, махалла-гузар ахлига нисбатан хурмат, меър-оқибат тўғрисида маҳсус тарбиявий рисолалар битганлар. Катталарнинг юзига тик қарамаслик уларнинг сўзларини қонун деб билиш ақидаси хамиша устун турган. Кичикка шавқат хам бежиз эмас, улар хозирги замонни ъам, ўтмишни ъа келажак авлодлар билан боғлайдилар, иззат ўурмат одатида. Эркак кишининг аёл зотига муносабати алоҳида ўрин тутади. Қадимдан халқимиз инсон хаётининг сарчашмаси бўлган аёл зотига ўурмат сақлаб келганлар. Она эса табаррук зот бўлиб, босган излари кўзга сурилган. Оналардан кейинги опаларга ъам хурмат-эхтиром ўз жойида бўлган. Масалан Амир темур, Бобур Мирзо сингари буюк боболаримиз опаларини эъзозлаб бошга кўтарганлар.

5- Мавзу.

Тўй, байрам, маросимлар. (2 соат).

Режа:

1. Тўйларнинг моҳияти.
2. Байрамларнинг ўзига хос анъаналари.
3. Маросимлар миллат ғурури.
4. Тўйга тўёна билан бориш.

Мавзу бёйича саволлар:

1. Тўйлар нима учун қилинади?
2. Тўйлар мазмуни хақида нима биласиз?
3. Сумалак ва халим қандай пиширилади?
4. Наврўз кунлари қандай урф-одатлар бажарилади?
5. Рамазон ва Қурбон хайитнинг фарқини нима?
6. Хайитларнинг ахамияти нимада?
7. Тўёна нима учун берилади?
8. Тўёна деганда нимани тушунасиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

Х.Исмоилов “Ўзбек тўйлари” Ўзбекистон-1992 й.

М.Саттор “Ўзбек удумлари” Фан-1993 й.

А.Бобомурод “Ислом одоби ва маданияти” Чўлпон”-1995й.

Тўйларнинг моҳияти

Ўзбек халқи қадим замонлардан бўён тўй қилиб, элга ош бериб келган. Тўйлар одатда кичик байрамлардек ўтказилган. Тўйнинг турлари хам кўп бўлиб, бешик тўйи, хатна-суннат тўйи, никоҳ тўйи, пайғамбар оши тўйи ховли тўйи, ёш саналари билан боғлиқ тўйлар ўтказиб келинган. Қадимда тўйлардан ота-боболаримиз кураш, кўпкари, асқия, масхарабозлик, дор ўйинлари, бошқа турли томошалар кўрикларини ўтказишган. Замон ўзгариши билан ғояларнинг кириб келиши натижасида тўйларимизнинг хам шаклу тамоили ўзгариб бормоқда. Олтин тўй, кумуш тўй, бриллиант тўй, 50, 60,70, 80, 90, 100 йиллик тўйларнинг кўпчилик билан нишонлаш одат тусига кириб келди. Бу маросимлар осиёча,

оврўпача омухталашди. Халқимизнинг одат-маросимлари бир-бирига қўшилиб, чатиштириб кетди. Бундан янги шакл ва мазмун хосил бўлди. Демак тўй маросимлари янги қиёфага кирди ва бойитди.

Байрамларнинг ўзига хос анъаналари.

Хаммамиз учун қадрдан байрам бўлган Наврўзниг хам ўзига хос анъаналари мавжуддир. қадимда аждодларимиз Наврўзга атаб алоҳида кийимлар тайёрлашган. Наврўз таомлари ўзига хос бўлган. Улар орасида сумалак, халим, қўш оши пишириш анъанага кириб қолган. Бу жараёнларда халқ ўйинлари, кўпкари, кураш, хўрз, ит, қўчкор уриштириш, масхарабозлик, дор ўйинлари, халқ томошалари ўтказилган. Келинчаклар сайли ўтказилган. Кексаларга ъурмат кўрсатилиб, улардан хабар олинган. Ўтганларни ёд этиб, қабристонлар тозаланган. дарахтлар ўтказилиб обод қилинган. Байрам кунлари ораларидан гап қағган қабила, ёки якка шахслар, дўст-офайнилар, қариндош-уруғлар ярашиб, бир-бирларини Наврўз билан табриклишиб, омонлик тилашган. Шунинг учун хам қадими урф-одатларимиз авлоддан авлодларга ўтиб, давом этиб яшаб келмоқда. ушбу анъаналарни келгуси авлодларга етказиш бизнинг бурчимиздир.

Маросимлар миллат ғуури.

Халқимизнинг яна бир анъанавий маросим хайит байрами бўлиб, хайитлар диний байрам сифатида нишонлаади. Хайитларнинг икки хили мавжуд бўлиб Курбон хайити, Катта хайит. Яъни рамазон хайити деб аталади. рамазон хайити рўза тугалланган куннинг эртасига ўтказилади. Бир кун олдин арафа куни қўшнилар бир-бирларига таом улашишади. Хайитнинг биринчи куни сахарда каттаю-кичик жоме масжидларига бориб, хайит насозини ўқийдилар. Бечораларни холидан хабар олинади, ўтганларга қурбонлик қилиниб ис чиқарилади. Қабристонларга бориб ўтганларнинг рухига фотиха ўқилади. уч кун давомида мархумнинг йўқловининг ўрнига қўядилар. Хайитларнинг иккаласи хам одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустахкамлаган. Кекса-

бемор, мархумларни зиёрат қилишнинг амалий намунаси, ёшларга бекиёс катта мактаб вазифасини ўтаган. Хайитлар хам Наврўз каби халқнинг қадими, удумий байрамларидир.

Тўйга тўёна билан бориш.

Ўзбек халқи қадимдан тўйга тўёна билан борган. Тўёна-тўйга, тўй эгасига совға салом билан бориш дегани. Тўёна ёрдам тариқасида берилган. Тўй бўлаётган хонадонга, қариндош уруғлар, дўст-биродарлар, якка-якка, баъзан гурух бўлиб, жамоа, ишхона вакиллари бир бўлиб тўёна берилади. Тўёна қилиш қадим замонларда тuya, хўқиз, сигир, қўй келтириш мисолида бўлган. Бу одат хам айни пайтда ўзига хос хашар бўлиб, тўй эгасини елкасидаги оғир юкни анча енгиллаштиради. Оиланинг энг яқинлари: ака-ука, опа-сингил, қуда-андада тўйнинг бир томонини кўтаришлари ъам мумкин. Оила эхтиёжларини яхши билган яқинлар маслаҳатлашиб рўзгор учун энг зарур ашёларни тўёна ўрнида совға-салом қилишади. Тўёна холис равишда қилинади. Лекин халқимиз “олмоқни бермоги бор” қоидасига амал қилиб ўзига қилинган тўёнани орттириб қайтаришга харакат қиласи. Бу ўлмас анъана, урф-одатимиз ъам моддий-маънавий бойлигимизнинг бир кўринишидир.

Мавзу-6.
Урф-одатлар ва умргузаронлик.

Режа:

1. Урф, аждод, сулола шажарасини билиш.
2. Янги ховлига кўчиб кириш урф-одатлари
3. корхат ўйин одати.
4. Гап-гаштак одатлари.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Аждодларимиз сулола, шажараси қандай бўлган?
2. Ўз сулола ва шажарангизни биласизми?
3. Янги ховлига кўчиб келиш урф-одатлари қандай?
4. Янги ховлига кўчиб ўтишда амал қилинадиган уч нарса нимадан иборат?
5. Корхат олганмисиз?
6. Корхатнинг қоидаси ва шартларини биласизми?
7. “Гап-гаштак” нима сабабдан одатга айланган?
8. “Гап-гаштакни” маъносини тушунтириб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар:

М.Саттор “Ўзбек удумлари” ўзбекистон”-1993й.
Х.Исмоилов “Ўзбек тўйлари” Фан-1992й.

Урф, авлод, сулола шажарасини билиш.

Қадимгилар ўз шажара, урф, сулола, аждодларини яхши билишган. туркий халқлар уч катта бўлакка: қорлуқ-чигил, қипчоқ ва ўқуз сингари уруғларга бўлинади. Ота-боболар ўз насл-насад, урф, сулола, шажараларини авлодлар оша сақлаб қолиб, мустахкамлашга, обрўйи, мавқеини оширишга бутун умр бўйи харакат қилганлар. Шажара маълум бир оиланинг, авлоднинг қайси уруғдан келиб чиққанлиги, қайси авлодларни ўз таркибига киритишга қараб белгиланган. Сулолар хунарига қараб ъам белгиланган. Масалан, темирчилар сулолас, сандиксозлар сулоласи, нонвойла сулоласи ва хоказо. Ўзбек халқининг машъур

шажараларидан Темурийлар шажарасидир. Бу авлод барлослар уруғига мансуб бўлиб қуидагиларга бўлинади: Баходир тарағайнинг ўғли Амир Темур, Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо, унинг ўғли Мирзо Улуғбек, Улуғбекнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо, унинг ўғли Мирзо Улуғбек, Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф ва хоказо. Хозирги замонда хам хар бир одам ўз сулоласини, шажарасини тўла аниқлаб, ўрганиш зарур. Сулоланинг анъаналарини саклаш зарур.

Янги ховлига кўчиб кириш урф-одатлари.

Оила-хонадон бошпана билан тирик. Ўзбек хонадонлари азалдан серфарзанд, катта рўзгор бўлиб келишган. янги оила, чиги рўзгор ташкил бўлган. Ўғилни уйлантиришган, қизни чиқаришган, уйланиш олдидан янги уй қурилган. уйга кўчиб чиқиши ўз расм-руслари бўлган. Янги уйнинг томи ёпилиши билан сарdevор устида хўроз, товуқ курка сингари жонлик сўйилиб худо йўлига қон чиқарилган. Яхши ният билан остона остига қум, тош тўлдирилган хум, кўза кўмилган. Бу остонаси олтиндан бўлсин, хонадон барака, бойлик аримасин деган маънени берган. Янги уйнинг кўзга кўринарли жойига, исириқ, тиканак осиб қўйилади. Янги уйга кўчишда албатта жонлик сўйилади. Уч нарсага доимо амал қилинган. Биринчиси остонадан туз олиб кирилган, иккинчиси нон-ун, учинчиси кўзгу-ойна олиб кирилган. Бу билан янги уйга рисқ-рўзли, турмуш ойнадай равшан деган маъно англатилган. янги уйга кўчиб кириш маросими ховли тўйи, уй тўйи, худойи маросими билан яқунланади.

Корхат ўйин одати.

Қиши-қадимда дам олиш фасли хисобланган. Ана шундай қиши байрамларидан бири қорхат ўйинидир. Корхат одати аждодларимиз ёзув маданиятига эрта кўчганларидан далолат беради. Улар ўзларининг серхиммат, қўли очиқ, сахий эканликларини бу одат воситасида намойиш қилишаган Корхат биринчи қор ёқкан куни ёзган томоннинг вакили хатни эгасига етказиб бераркан, бошқа бир гапни бахона қилиб, суббат орасида ушбу мактубни унга бериб

қўйиши тайинлаганини билдириб, қорхатни топширган. Сўнг юргургунча орқага-белгиланган маррагача қочган. Агар қорхат олган одам белгиланган масофагача қувиб етиб олса хатдаги шартларни қорхат ёзган томон бажарган, ета олмаса хат олган томон бажарган. Қорхат шартларида катта зиёфат бориш учун ъам байрам тусини олган. Шоирлар, достончилар, хофизлар қатнашганлар. Қорхат халқимизнинг севимли урф-одатидир.

Гап-гаштак одатлари.

Гап-гаштак тенгдош, махалладош, хизматдош, маслақдош дзстлар билан тўпланишиб ўtkазилади. гап-гаштаклар номи азалдан “издихом”, “давра”, “гап”, “гаштак”, “гап ўйнаш”, “ош”, сингари маънодош сўз иборалар билан аталиб келган. Қишлоқ жойларда кўпроқ бу одат расм бўлиб, киши кунларида ўтказилган. Гап-гаштак баҳонаси билан дўстлар маслаҳати, оиласвий жамоа ишлари оммавий маросимларни ўтказиш режалаштирилган. Тенг-тенги билан деганидек кекса намозхон отахонлар, ёш йигитлар, ўрта ёшлилар алоҳида-алоҳида гап-гаштакка бирлашганлар. Хозирги пайитда оиласвий гап-гаштаклар хам муҳим ўрин тутмоқда. Бугунги кунда гапларнинг мазмуни хам анча ўзгариб кетди. Хозир гаплар “ош” деб аталиб, кўчма тарзда хам ўтказилаверади. Нима бўлганда хам яхши ният билан, хуш ахлоқу бирдамлик, меҳр-оқибатга йўғирилган, бизнинг замонларимизгача етиб келган. Янги-янги шаклларда ўз хаётини давом эттираётган қадимиюдатимиз гап-гаштакни сақлаб қолиб, келгуси авлодларга етказиш муқаддас бурчимиздир.

Мавзу-7.

Эътиқод ва охират.

Режа:

1. Қасам, онт, васиятнома
2. Ирим ва қарғиши.
3. Хайр-садақа.
4. Мушкулкушод, Биби Сешанба, Мавлюд.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Хеч қасам ичганмисиз?
2. Нима учун васиятнома қолдирилади?
3. Иримга ишонасизми?
4. Иримларнинг моҳияти нимада?
5. Қарғиши нима учун ишлатилади?
6. Хайр-садақани қандай тушунасиз?
7. Мушкулкушод, Биби сешанба нима учун ўтказилади?
8. Мавлюд нима учун ўқилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

М.Саттор “Ўзбек удумлари” 2Фан”-1993 й.

А.Бобомурод “Ислом одоби ва маданияти” “Чўлпон” -1995й.

Қасам, онт, васиятнома

Одатлар ичида шунқаси хам бўлади. Хаётда баъзан ўз сўзини рост, чин, ишончлигини исботлаш, асослаш учун одамлар онт(қасам) ичадилар. Катталар орасида қасам ичиш одати жуда жиддий удумлардан бири сифатида қадимдан мавжуддир. Бирон авлиёни мозорига бориб, ака-ука, қиёматли дўст бўлишга онт ичишган. Қасам (онт) айтилган сўзга содик қолиш деб тушунилади. Қасамлар аввало Худони ўртага қўйиб, “Куръон”ни ўқиб, она, хотин, бола-чақа хаётини ўртага қўйиб ичилган. Халқ орасида оммалашган қасам нонни ўртага қўйиб ичилган қасамдир.

Васиятнома инсоний удумларнинг биридир. Васият бу Васиятнома инсоний удумларнинг биридир. Васият бу ёши бир

жойга бориб қолган ота-онанинг, бобо-бувининг ўзидан кейин қоладиган авлодларга, оила давомчилариға сўнги сўзиdir. Васиятнома оғзаки ва ёзма бўлади. Қадимда хам, хозирги кунда хам мол-дунё, пул, моддий бойликлар ёзма холда васиятнома тариқасида бажарилади. Васиятнома қонуний хужжат бўлиб, низоларга чек қўяди.

Ирим ва қарғиш.

Иримлар барча халқлар орасида узоқ даврлардан буён яшаб келади. иримлар кишилар ўзларини, яқинлари, оиласарини эҳтиёж қилиш, ёмон кўздан асраш учун қилинади уй, бешик, машинага тумор тақиши, тикан осиш, тақа қоқиши, қўй калласи, бўри тирноғи илиш каби ирим одатлариди. Ўзбеклар бирон ерга сафарга чиқадиган бўлса, олдин ховли супуриб, тозалангандан сўнг чиқишиди. Киши ортидан уй супурилмайди. Тирноклари оёқ-кўлларни бир кунда олинмайди. Чоршанба, шанба кунлари сафарга чиқилмайди. Иримлар инсоннинг кўп асрлик хаётий тажрибасидан келиб чиқиб, синовлардан ўтиб бизгача етиб келган. Қарғиш хам қадими одат бўлиб, хар бир халқнинг миллий турмуш тарзи, урф-одати, маданий даражаси этник босқичларини аниклаб, белгилаб беради. Қарғиш бирордан нохақ жабр қўрган одамнинг унга ёмонлик соғиниши, ўлимини тилашидир. қарғиш жойга, воқеа-ходисага, иштирокчиларнинг ёшига қараб адолатли, адолатсиз бўлиши мумкин. Қарғишларнинг сони, тури, мавзуи, шахси жуда кўп.

Хайр-садака.

Хайр-садака деганда мусулмоннинг худо йўлига бирор нимани аташи, бағишлиши, эхсон, тухфа, хадя, садака қилиши тушунилади. Садака бериш, хайр-эъсон қилиш бизнинг ўзбек халқимиз урф-одатларида жуда қадимдан мавжуд бўлиб, бу меҳр-

шавқат, хайрия ва беминнат ёрдам миллатимиз руҳига бир умр хамроъ бўлиб келган одатdir. “Садака-радди бало” яъни садака балони қайтаради деган ақидага амал қилинган Оллоъ Таоло, табиат яхши, серхосил неъматлар хадя қилиши учун түя, хўқиз, қўй-кўзилар сўйилиб дарвишоналар қилинган. бу таомлар биринчи навбатда муҳтож, заиф камбагал, бева-бечораларга тортиқ қилинган. Хайриялар мусофирхоналар, шифохоналар, етимхоналар, масжид ва мактабларга сидқидилдан, беминнат, бетаъма берилган. “Садака” сўзи “садқаисар” яъни бош-кўздан садака деган маънони уқтиради. Хайр-садаканинг яна бир тури ёмон туш кўрса, руҳияти бузилса, албатта бирон жонлик атаб зиёратгоъ жойларга бориб кўч оши қилинган ва кўчадан ўтган одамларга тарқатилган. Садакачини руҳи кўтарилиб, касалманд бўлса шифо топиб кетган.

Мушкулкушод, Биби сешанба, Мавлюд, кинна оши маросимлари хам отин ойи, табиблар бошчилигидаги ўтказилиб, бу хайрия-садаканинг бир кўринишидир. Бундай холларда мушкулкушодчи яъни мушкул ечилиши, осон бўлиши Худодан тиланган киши эркак-аёл, атаганини иссиқ нон, майиз, нишолда, пул келтириб, чор-ёрлар арвоҳларига чироқ ёкиб, дуои фотиҳа ўқишини илтимос қилишган. Отин ойи уларнинг иштирокида ёки ёлғиз ўзи бу маросимни инсоф билан бажо келтирган. Биби сешанба оила баҳтини химоячиси саналган. биби мушкулкушод, Биби сешанбалар мусулмон хотин-қизлари тасаввурида кишиларни мушкулини осон қиладиган, авлиё хотинлар саналган. Мавлюд туғилиш деган маънони англатади ва Мухаммад пайғамбаримизнинг туғилган кунларига бағишлиб ўқитилади.